



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 15 май, № 94 (6024)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

Конунчилик палатаси томонидан 2013 йил 30 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** — хуқуқбузарликдан жабрланувчи, айричиқимий хулқ-атвори, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларни сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

гайричиқимий хулқ-атвор — шахсининг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

хуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайрихуқуқий қилимиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

хуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

хуқуқбузарликлар профилактикаси — хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умуий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг гайричиқимий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Конунчилик палатаси томонидан 2014 йил 2 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги 512-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 6, 67-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин: **биринчи қисмдаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмдаги «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмдаги «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 5-модданинг бешинчи қисми: **биринчи хатбошисидagi** «очик турдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 4-бетда).

Кичик бизнес:

ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

Бугун мамлакатимиз истеъмол бозорида талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани барчамизга яхши маълум. Муҳими, уларнинг аксарияти рақобатбардош, жаҳон андозаларига мос. Нархи эса четдан келтирилатган турдошларига нисбатан бирмунча арзон.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Наманган вилоятида тайёрланаётган кийим-кечаклар, хусусан, замонавий урфдаги костюм-шим ва кўйлақларни ҳам, ҳеч иккиланмай, импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар сирасига киритиш мумкин. Уларни тикаётган корхоналарнинг асосий қисми кичик бизнес субъекти мақомида фаолият кўрсатаётгани эса диққатга сазовор.

Хусусан, Наманган шаҳридаги «Фахр текстиль савдо» масъулияти чекланган жамияти вилоят енгил саноат корхоналари орасида ўз ўрнига эга. Айни пайтда бу ерда эркинлик учун беш турдаги бежирим кўйлақлар тикилаётди. Корхонага молия муассасасининг 251 миллион сўмлик кредити ҳисобига ўрнатилган илғор дастгоҳлар маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминламоқда. Яъни «Фахр текстиль савдо» ёрлиги туширилган кўйлақлар замонавий бичими, қуркам дизайни ҳамда пахта хом ашёсидан тайёрланган газла-маси билан харидорларга манзур бўлаётди.

Дарвоқе, айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 27 нафар ёшнинг ҳар бири ўз касбига меҳр қўйган, интилув-

чан йигит-қизлар. Кўпчилиги тикувчилик соҳаси бўйича кичик мутахассис — мазкур йуналишдаги ўқув юртини тамомлаган. Масалан, «Juki» русумли тикув машинасини бошқараётган Шахноза Давлатова Қортоқ туманидаги Ойқирон касб-хунар коллежида таҳсил олган.

— Яқинда Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига, Устюрт газ-кимё мажмуасига ташрифини телевизор орқали кўрдим, — дейди чевар қиз. — Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар билан суҳбатлашиш асносида «Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз», дея мамнуният билан таъкидладилар. Жуда тўққинлаб кетдим. Чунки мен ҳам шу сингари илғор корхона ходимиман. Компьютерлаштирилган дастгоҳ иштирокида. Масалан, қайси моделдаги кўйлақни тикиши киретиладиган бўлса, аввало, унинг андозаси махсус дастур ёрдамида аниқлаб олинади.

(Давоми 6-бетда).



«Мамлакатингизда маънавий юксалиш йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар жиҳатдан ибрат олишга арзийди»



Луизи АККАРДИ, Рим университети профессори (Италия):

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Бундан олдин ҳам юртингизда меҳмон бўлганман. Утган вақт мобайнида бу ердаги ўзгариш ва янгилишларни кўриб жуда қувондим. Аввало, мамлакатингиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган халқаро анжуманга таклиф қилингандан қанчалик гурунланган бўлсам, афсонавий Самарқандга қадам қўйганимдан ҳам шунчалик мамнунман. Очиги, Ўзбекистондаги улғуров ўзгаришлардан хайратландим. Самарқанд ҳам бутунлай ўзгарибди. Кенг кўчалар, мухташам бинолар, кўзни қамаштирувчи обидалар ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди.

Анжуманнинг бу қадимий шаҳарда ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. Зеро, олам узра маълум ва

машҳур Шарқ алломаларининг аксарияти ушбу заминда таваллуд тоingan ёки сабоқ олган. Масалан, Мирзо Улуғбекни олайлик. Комил ишонч билан айтаманки, ушбу мутафаккирнинг номини билмайдиган одам Ер юзиде бўлмасе керак. Унинг «Зихи Кўрагоний» асариде Осие ва Европа мамлакатингизда кенг тарқалган. Тан олай айташим керакки, Урта асрларда ёзилган бирор астрономик асар бунчалик шухрат қозонмаган.

Италияде Ўзбекистон билан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидеги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш кучли. Хусусан, Тошкентде очилган Турин политехника университети таълим соҳасидеги фаол ҳамкорлигимизнинг амалий намунасиدير. Мамлакатингизде маънавий юксалиш йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар жиҳатдан ибрат олишга арзийди.

Эрик ФОССА, Ницца шаҳридаги астрономия университети профессори (Франция):

— Бухоро, Хива, Самарқанд каби афсонавий шаҳарлар хусусиде кўплаб мақола ҳамда асарлар орқали яхши танишман. Самарқандде поитахтингиз Тошкентде тазювар «Афросиёб» поездиде келдик. Турли мамлакатлардан ташриф буюраётган меҳмонлар билан суҳбатимиз нихолаганиб-ниҳояланмай, бир зумда тилларда достон Самарқандга етганимизни билмай ҳам қолибмиз. Гузал шаҳарни кўз билан кўриш бошқача экан. Бу ердаги ҳар бир бино — тарихий обидалар ҳам, бугунги замонавий мактаб, коллеж, лицейлар ҳам кишининг диққат-эътиборини тортади. Демак, ажодлардан мерос бўлиб қолган маънавий пойдевор бугун Президент Ислам Каримов раҳнамолигида

олиб борилаётган оқилона ва доно сиёсат туфайли янада мустаҳкамланиб бормоқда. Эътиборимни тортган ҳолатлардан яна бири шуки, бизни кутиб олишга чиққан ёш йигит-қизлар хоржий тилларда жуда эркин гаплашишар экан. Улар бугун навқирон юртингизда руй бераётган илхотлар хақида тўққинлаб сўзлаб беришмоқда. Бу эса ажодлар аллома бўлган диёрнинг авлодлари ҳам улғу бобокалонларига ўхшаб камол топаётганигизга ишбадир.

Конференция мобайнида ушбу муқаддас заминдан еттишди чиққан кўплаб улғу мутафаккирларнинг бой илмий меросига яна бир бор мурожаат қилиб, уларнинг жухон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусиде фикр алмашиш имконига эга бўламиз.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳамда Тошкент шаҳар ва вилояти прокуратуралари ходимлари, парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик университети ҳамда бошқа олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалари ва тингловчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда республикамизда хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз ярати-либ, уларнинг оиладаги ўрнини, шу жумладан,

жамият ва давлат бошқаруви ҳамда халқаро алоқаларда фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида хотин-қизларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлашга оид бир қатор вазифалар ижро этилмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ишлар хусусида сўз юритилди, шу билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳофаза этилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлашга оид қонунлар ижроси назорати натижасида аниқланган

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликидаги фаолият самараларини ошириш зарурлигини қайд этишди.

Шу билан бирга, қизларнинг эрта турмушга чиқиши, унинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритилиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга доир жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда муҳофаза қилинган масала бўйича тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати.

Қисқа

сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланғич таълим сифати ва самардорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман якунланди.

● Наманганда ёшларнинг дунёқараш ва фикрлаш доирасини янада кенгайтириш, уларнинг маънавий баркамол шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топишларига қўмаклашишга қаратилган «Юксак маънавиятли авлод» республика иқтидорли ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● «Туркистон» саройининг ёзги сахнасида Соғлом бола йилгига бағишлаб «Ешлар парвози» деб номланган концерт дастури намойиш этилмоқда. Мазкур ижодий лойиҳа доирасида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат усталари, ёш ижрочиларнинг концерт дастурлари, мусиқашунослар, бастакорлар иштирокида маҳорат сабоқлари, жонли мулоқотлар ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси тингловчилари Харбий-илмий жамияти томонидан инглиз тилида «Харбий санъатнинг ривожланиш тарихи» деб номланган илмий-амалий конференция ташкил этилди.

● Навоий информатика ва электрон саноат касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» мавзусидаги очик эшиклар кўни ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

● «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 14 нафар ҳамшира ўз билим ва малакасини синовдан ўтказди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

- 4-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари**

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
шaxснинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
хуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
жисмоний шахсларнинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

- 5-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари**

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

конунийлик;
инсонпарварлик;
тизимлилик;
ишонтириш усулининг устуворлиги;
таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш.

- 6-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари**

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат:

хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
хуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

- 2-боб. Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари**

- 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;
хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилади;
иктисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида хуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

- 8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
аҳолининг ижтимоий муҳофaza қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;
тегишли ҳудудда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 9-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими**

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

ички ишлар органлари;
прокуратура органлари;
Миллий хавфсизлик хизмати органлари;
адлия органлари;
давлат божхона хизмати органлари;
давлат солиқ хизмати органлари;
мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш органлари;
таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар хуқуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

- 10-модда. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ички ишлар органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги тахлилини амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
хуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг тахлилини амалга оширади;
ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;
фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;
паспорт-виза режимида, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар курулчи сақлаш қондалари ҳамда тартибига rioя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

жиноятларни фoш этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади;
ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.
Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 11-модда. Прокуратура органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Прокуратура органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид хуқуқбузарликлар, жинойи фаолиятдан олинган даромадлари легаллаштириш ва терроризмини молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун иходкорлиги фаолиятда иштирок этади;
аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 12-модда. Миллий хавфсизлик хизмати органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Миллий хавфсизлик хизмати органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
халқаро жинойи ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва тахлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чиқувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга оширади, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади;
тинчлик ва хавфсизликка қарши хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 13-модда. Адлия органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Адлия органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;
хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун иходкорлиги фаолиятда иштирок этади;
хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 14-модда. Давлат божхона хизмати органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Давлат божхона хизмати органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

божхона соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;
божхона соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

божхона соҳасида хуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг тахлилини амалга оширади;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат божхона хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 15-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Давлат солиқ хизмати органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

солиққа оид хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

солиққа оид хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига rioя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

солиққа оид хуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг тахлилини амалга оширади;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 16-модда. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш органлари:
хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофaza қилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ишсизларни ҳисобга олишни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофaza қилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 17-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қондаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услublарни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

таълим олувчилар орасида хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсатида таълим муассасаларида ҳаммаборт спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақлар, клублар ташкил этади;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига:

хуқуқбузарликлар фактлари ҳақида;
одамларнинг ҳаётига ёки соғлигига таҳдид соладиган оилавий-машиий низолар тўғрисида ва оилавий-машиий муносабатлар соҳасидаги хуқуқбузарликлар ҳақида;
таълим олувчи шахс гаўбирижтимоий ҳулқ-атворга ва хуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;
хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 18-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади;

алкоголизмга, гиёҳвандликка, захарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;
ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;
одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига:

ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

баданига шикаст этган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки муружаат этилганлиги ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги хуқуқбузарликлар ҳақида;
вояга етмаган шахс гаўбирижтимоий ҳулқ-атворга ва хуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;
хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси

- муҳофaza қилиш давлат қўмитаси органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси органлари:

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
табиатни муҳофaza қилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

табиатни муҳофaza қилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

табиатни муҳофaza қилиш соҳасида хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг тахлилини амалга оширади;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

- 20-модда. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар**

Хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсатида прокуратура органлари ҳузурида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаш-тирувчи кенгашларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан назорат қилиш;
хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузар

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида

(**Давоми. Бошланши 1, 2-бетларда.**)

4-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси
24-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйдагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзгага келиши.

25-модда. Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйдагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тadbирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

26-модда. Алкоголни суниестемол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларни, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Алкогонли суниестемол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйдагилардан иборат:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тadbирларини ўтказиш;

гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, тaшиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Алкогонли суниестемол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятга таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

27-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси

28-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси шахсинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахсинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахсинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёҳуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва челковчи хусусиятдаги яқка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

29-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари
--

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйдагилардан иборат:

профилактика сўхбати;
расмий огоҳлантириш;
ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
профилактик ҳисобга олиш;
мажбурий даволанишга юбориш;
маъмурий назорат.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

30-модда. Профилактика сўхбати

Профилактика сўхбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлиқни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика сўхбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

Профилактика сўхбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанин хуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади.

Профилактика сўхбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахсинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёҳуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика сўхбати давомида шахсинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Илгари ўтказилган профилактика сўхбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиқни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

31-модда. Расмий огоҳлантириш

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанин хуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахсинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

Расмий огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

32-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

33-модда. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш

Ҳуқуқбузарликлардан жабранувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

34-модда. Профилактик ҳисобга олиш

Профилактик ҳисобга олиш ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилганган профилактика тadbирлари мажмуидир.

Профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

35-модда. Ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар

Профилактик ҳисобга олиш қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади:

илгари судланганлар улар жинойи жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;

ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши туғатилган ёҳуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга; ўзига нисбатан қamoққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эхтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

36-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари
--

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуйдагилар асос бўлади:

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахсинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахсинг жиноят ишини туғатиш тўғрисидаги ёҳуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;
ўзига нисбатан қamoққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эхтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;
суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;
шахсининг жазонини ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча

асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

37-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тартиби

Ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.
Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади.
Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда қарорни чиқарган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, у чиқарилган сана ва жой, у қайси шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган шахс томонидан имзоланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайдтан эътиборан кучга киради.
Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайдтан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайдтан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак.
Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Шахсини хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади.

38-модда. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати
--

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайдтан эътиборан бир йил мобайнида амалга бўурилади.

Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайдтан эътиборан амалга оширилади.

39-модда. Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асослари

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда амалга оширилади:
профилактик ҳисобга олиш муддатининг туғаши;
реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини туғатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонийи кучга кириши;
суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонийи кучга кириши;

қamoққа олиш тарзидаги эхтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;

шахсининг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;

профилактик ҳисобда турган шахсинг вафот этиши.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тулланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

40-модда. Шахсни мажбурий даволанишга юбориш

Сурункали алкогонизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёҳуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг аҳолига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари «Сурункали алкогонизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш бўйича чора-тадбирлари кўради.

41-модда. Ички ишлар органларининг маъмурий назорати

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган челловларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва туғатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган челковлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

42-модда. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар:
ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга;
ўзига нисбатан тулланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга;
илтимослар қилишга;

юрдик ёрдам олишга;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанин қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси
--

43-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси тушунчаси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини қамайтиришга қар

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

^{(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).}

иккинчи хатбошидаги «акциядори» деган сўз чикариб ташлансин;
саккинзинчи қисмдаги «акциядори» деган сўз чикариб ташлансин;

2) **16-модда биринчи қисми олтинчи хатбошисининг:**

«а» банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) мазкур аудиторлик ташкилотининг мулкдорлари, қатнашчилари, кредиторлари, сўғурталовчилари бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан мулкдорлар, қатнашчилар, акциядорлар бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан»;

«б» бандидаги «ушбу аудиторлик ташкилотининг мулкдори, қатнашчиси, акциядори» деган сўзлар «ушбу аудиторлик ташкилотининг мулкдори, қатнашчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **20-моддасига** куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

иккинчи қисмдаги «норматив тусдаги» деган сўзлар «норматив-ҳуқуқий тусдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
олтинчи қисм куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»;

саккинзинчи қисм куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами) ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да эълон қилинади, зарур бўлган тақдирда эса бошқа оmmавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг омма эътиборига етказилади»;

4-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг учинчи қисмида**ги «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **59-модданинг матнида**ги «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **81-модданинг учинчи қисмида**ги «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 450-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йл 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **114-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида**ги «очиқ» деган сўз чикариб ташлансин;

2) **115-модданинг:**

биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, еттинчи, саккинзинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн учинчи қисмларидаги «очиқ акциядорлик» деган сўзлар «акциядорлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамиятининг ёки акциядорлик жамиятларининг устав фондигади акцияларни кредиторлар ўртасида тақсимлаш кредиторларнинг талаблари реестридаги ўз улушига мутоабис равишда, кредиторларга акциядорлик жамиятининг ёки акциядорлик жамиятларининг муассислари (акциядорлари) бўлиш ҳуқуқи берилган ҳолда амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12,

336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **211-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Пора бериш, яъни мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муйайян харақатни пора берган шахсининг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қўмматиқлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавфли рецедивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;
б) уюшган гуруҳ манфаатларини қўзлаб;
в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий харақатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни охишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади»;

2) **212-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша харақат:

а) такроран, хавфли рецедивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдидан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини қўзлаб;
г) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий харақатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни охишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 28-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **198³-модда** билан тўлдирилсин:

«198³-модда. Вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритиш, – энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми «198³»** рақамидан кейин «198³» рақами билан тўлдирилсин;

3) **245²-модданинг:**

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги факти ёҳуд пахта хариди бўйича контракция шартномалари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида ҳўжалик юритувчи субъектга мулкий зарар етказилганлиги факти аниқланган тақдирда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар»;

иккинчи қисмидаги «ҳўжалик судига» деган сўзлар «судга» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **263-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«263-модда. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Алоқа,

ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг биринчи қисмида, 153, 154, 156-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи, шунингдек мазкур давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлималари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги 103–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **27-моддасига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўхтамалари эълон қилинадиган расмий манбалардир»;

иккинчи ва учинчи қисmlар тегисинча **учинчи ва тўртинчи қисmlар** деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда) **7-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонуллари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **58-модда:**

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «акциядорлар жамияти» деган сўзлар «акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «очиқ акциядорлар жамиятлари бундан мустасно» деган сўзлар «акциядорлик жамиятлари бундан мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «акциядорлар жамиятидан» деган сўзлар «акциядорлик жамиятидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **64-модданинг ўзбекча матнида**ги «Акциядорлар жамиятин», «акциядорлар жамияти», «акциядорлар жамиятининг» ва «Акциядорлар жамиятининг» деган сўзлар тегисинча «Акциядорлик жамияти», «акциядорлик жамияти», «акциядорлик жамиятининг» ва «Акциядорлик жамиятининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(Давоми. Бошланчи 1, 4-бетларда).

1) **170-модда** **иккинчи қисми 4-бандининг** **иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

2) **173-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ammo ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган шахслар ҳужжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикоятга, прокурор аса кассация протести беришга ҳақлидир»;

3) **188-модда учинчи қисми 5-бандининг** **иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда) **32-моддасининг** **иккинчи қисми «товарлар»** деган сўздан кейин «(ишлар, хизматлар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги 717-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **19-моддасининг** **иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Бўйсунуш тартибига юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят бериш шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Судга шикоят берилганда устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни ёки қарорни ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб турилади, фақулдада вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақуқий хавф юзгага қелишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ёки қарорлар бундан мустасно. Ҳўжалик юритувчи субъект судга шикоят берганлиги тўғрисида назорат қилувчи органини тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Радиочастота спектри тўғрисида**»ги 725-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг** **иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси»;

2) **19-модданин биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модда:** **учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «очик» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **11-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси «тўла ёки»** деган сўзлардан кейин «умумий мулк ҳуқуқида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **16-модданин** **иккинчи хатбошисидаги** «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **54-модданин ўнинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш

ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низоом билан тартибга солинади»;

2) **83I-модданин биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суриштирув органи бошлигининг вазифаларини бажаради».

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида**»ги 308-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) **3-моддасининг ўнинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳўжалик ширкати ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли».

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масуулияти чекланган ҳамда қўшимча масуулияти хамиятлар тўғрисида**»ги 310-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданин бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли»;

2) **7-модданин еттинчи қисмидаги «очик»** деган сўз чиқариб ташлансин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августа қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда) **12-моддасининг** **иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **3I-банд** билан тўлдирилсин:

«3I) халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қодалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган тахлийли қиёсий ҳадвал».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Хусусий корхона тўғрисида**»ги 558-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда) **7-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ-60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда:**

6-банди куйидаги тахрирда баён этилсин: «6) қонунлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, қонунчилик техникаси қодаларига мувофиқлигини аниқлаш нўқтай назаридан, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсада мувофиқлиги нўқтай назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказади»; куйидаги мазмундаги **6I-банд** билан тўлдирилсин:

«6I) қонунлар лойиҳаларининг улардаги давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари тизиминда коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларини учун уларнинг асоссиз ҳаражатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қодалар ва нормаларни аниқлаш нўқтай назаридан тахлийли амалга оширади»;

8-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш заруриятига оид масалаларнинг олдиндан келишиб олинишини амалга оширади»;

2) **11-модданин:**

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти тегишли бўлиналарининг вакиллари, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг тегишли тармоқларининг ҳолати ва ривожланиши учун масуул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мўмкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига ўз розилигига кўра киритилади»;

тўртинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти ишчи гуруҳининг (комиссиясининг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва ўзга маълумотларни олишга, қонун лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, шунингдек экспертларнинг ҳулосаларини олишга ҳақлидир»;

3) **19-модданин:**

иккинчи қисмидаги «Норматив кўрсатмалар» деган сўзлар «Ҳуқуқий нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «норматив кўрсатмалар» деган сўзлар «ҳуқуқий нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданин матнидаги** «норматив кўрсатмаларнинг» деган сўзлар «ҳуқуқий нормаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **23-модданин:**

биринчи қисмидаги «илмий-техникавий» деган сўз «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «таклиф этилиши» деган сўзлар «жалб этилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тузилади»;

6) **24-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, қонунчилик техникаси қодаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсада мувофиқлиги текширилади.

Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектининг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мўмкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади»;

7) **27-модданин биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **3I-банд** билан тўлдирилсин:

«3I) халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қодалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган тахлийли қиёсий ҳадвал».

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги ЎРҚ-64-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда) **32-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи – олтинчи қисмлар тегишинча **иккинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмдаги «ҳакамлик судининг даъвоми таъминлаш чораларини қўриш ҳақидаги ажрим» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда, № 12, 464-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданин:**

ўн тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«корпоратив облигациялар — акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тижорат банклари томонидан чиқариладиган облигациялар»;

ўттиз **иккинчи хатбошисидаги** «битимлар тузиш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданин бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти этиб ўзгартрилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган акцияларнинг эмиссия рיסоласи акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарордир»;

3) **8-модда:**

номи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**8-модда. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ййгим»;**

учинчи қисмининг **учинчи хатбошисидаги** «акциядорлик жамиятининг устав фонди давлат активлари ҳисобига қўлайтирилганда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **10-модданин биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши: эмиссия жараёнида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари эмитент томонидан бузилганлиги аниқланганда, шунингдек эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқарилиши ҳақида эълон қилинган ахборотда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда улар бартараф этилгунига қадар тўхтатиб турилади»;

уларнинг чиқарилишини тўхтатиб туришга олиб келган қондубазарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга олмаган деб топилди, мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг камида 30 фоизи қимматли қоғозларнинг биржа бозоридан ва уюшган биржадан ташқари бозоридан жойлаштирилган ҳоллар бундан мустасно»;

суднинг тегишли қарори мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилди»;

5) **14-модданин тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг очик бунаси қимматли қоғозларнинг фақат биржа бозоридан ва уюшган биржадан ташқари бозориданга ўтказилади»;

6) **15-модданин** **иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг биржа бозоридан ва уюшган биржадан ташқари бозоридан қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қоғозда) расмийлаштириш заруратисиз, электрон шаклда амалга оширилади. Қимматли қоғозларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак»;

7) **23-модданин биринчи қисмидаги «очик»** деган сўз чиқариб ташлансин;

8) **39-модда** куйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар эмитентнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, ушбу моддада назарда тутилган ахборотни мажбурий равишда ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

Фонд биржаси ушбу моддада назарда тутилган ахборот эмитент томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилинганлиги учун ҳақ ундиришга ҳақли эмас»;

9) **43-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Инвестор мустақил равишда ва (ёки) аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав фондининг жами ййгирма фоизини ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор қилиши шарт»;

10) **49-модда:**

иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

